



2017 йил 30 август

№ РС-32-17

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги
Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий
бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидаларини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қоидалар талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш Олий суд таркибий тузилмалари раҳбарлари, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари зиммасига юклатилсин.

3. Олий суд Кадрлар бошқармаси (К.Ахмедов), вилоят ва унга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари:

суд ходимлари билан тузиладиган меҳнат шартномаси матнига Қоидаларга мувофиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритсин;

судга янги ходим ишга қабул қилинаётганда уни Қоидалар мазмуни, уларга амал қилмаслик оқибатлари билан таништириш амалиётини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

4. Олий суд Кадрлар бошқармаси Қоидаларнинг мазмунини ва талабларини қуйи судлар ходимларига етказиш ҳамда ижроси устидан доимий назорат олиб бориш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари ушбу қарорнинг бажарилиши юзасидан бир ойлик муддатда Олий суд Кадрлар бошқармасига ахборот берсин.

6. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2014 йил 9 январдаги “Умумий юрисдикция судлари аппарати ходимларининг юриш-туриш қоидаларини

тасдиқлаш тўғрисида”ги РС-01-14-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Олий суд раисининг ўринбосарлари Б.Дехқанов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклатилсин.

Олий суд раиси



К.Камилов